

Навбатдаги сайёр қабул

"Мустақиллик" маҳалласида бўлиб ўтди



Аҳолининг муаммо ва мурожаатларини тез ва манзилли ўрганишда сайёр қабуллар муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан чекка ва олис ҳудудларда ҳам мунтазам равишда сайёр қабуллар ўтказиб келинмоқда.

Туманнинг "Мустақиллик" маҳалласида ташкил этилган сайёр қабулда маҳалла аҳолисининг электр энергия, газ, ичимлик суви таъминоти, даволаниш ва оилавий шароитини яхшилаш учун моддий ёрдам ажратиш каби қатор масалалардаги муаммо ва мурожаатлари мутасаддилар томонидан тингланди.

Қабул давомида 14 нафар фуқароларнинг мурожаатлари тингланиб, уларнинг тўртасига шу ернинг ўзида ечим топилган бўлса, учта мурожаатга тушунтириш берилди, еттита мурожаатлар эса ижрога йўналтирилди.